ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ МУТАФАККИРЛАР ИЛМИЙ МЕРОСИДАГИ ЎРНИ

Лутфилло Караматиллоевич Ахатов
Чирчиқ давлат педагогика университети доценти

АННОТАЦИЯ

Жамият тараққиёти мутафаккирларнинг илмий мероси ва фалсафий мушоҳадаларнинг иррационал ёндашувига асосланади. Илмий қарашлар ёрдамида тараққиётнинг муҳим босқичлари ва унинг моҳияти таҳлил қилинади. Адолат ва ахлоқ категориялари илмий ёндашувлар асосида ўрганилади.

Калит сўзлар: Илм, фалсафа, жамият, ахлоқ, тараққиёт, Ренессанс, адолат, мутафаккир.

АННОТАЦИЯ

Развитие общества основано на научном наследии мыслителей и иррациональном подходе философских наблюдений. С помощью научных взглядов анализируются важные этапы развития и его сущность. Категории справедливости и морали исследуются на основе научных подходов.

Ключевые слова: Наука, философия, общество, этика, прогресс, Ренессанс, справедливость, мыслитель.

ABSTRACT:

The development of society is based on the scientific heritage of thinkers and the irrational approach of philosophical observations. With the help of scientific views, important stages of development and its essence are analyzed. The categories of justice and morality are studied based on scientific approaches.

Key words: Science, philosophy, society, ethics, progress, Renaissance, justice, thinker.

Жамият тараққиёти бу шунчаки, чиройли сўзлар эвазига барпо этилмайди. “Инсоният тарихи – урушлар тарихи, деган машҳур таърифни ҳамма билади” [1; 3-Б] ва бу жамият тараққиётининг қийматини белгилайдиган тенденциялардан биридир. Профессор Қиём Назаров “Ҳар қандай жамиятнинг инсонпарварлик моҳияти, ундаги аҳоли қатламлари учун қулай шарт-шароитлар яратилгани, кишиларнинг ҳаёти, иш фаолияти, илм олиши, соғлиғини тиклаши, дам олиши, меҳнат қобилиятларини тиклаш учун ғамхўрлик қилиши билан боғлиқ соҳа” ни [2; 370-Б] алоҳида жамиятнинг ижтимоий соҳаси деб таъкидлайди.

Бугунги давр цивилизацияси инсоният тарихий тараққиёти даражаси ва уни ҳаракатлантирувчи қарашларда

илмий билимлар ривожини аниқлаш мезонларини янги-замонавий талаблар асосида қайта баҳолашни тақозо этмоқда. Бу эса бизнинг олдимизда турган асосий вазифамиз – илмни “қадри”ни янги босқичга чиқаришни талаб қилмоқда. Зеро, “Ҳар бир мусулмоннинг илм талаб қилиши фарздир”, деб айтилган. [3; 6-Б]

Бундан маълум бўладики, жамият стратегик тараққиёти унинг аъзолари бўлмиш олимларининг саъй ҳаракатларига боғлиқ. Инсон “Комил” бўлсагина жамиятни тараққиётга йўл бошлайди. Тўғри, жамият маълум маънода унинг раҳбари (“Комил инсон” Л.Ахатов) ахлоқи ва адолати билан белгиланади. Аммо, жамият раҳбаридан кўра, унинг аъзолари (олимлари)нинг фаолияти асосида шаклланади. Шунингдек, раҳбарнинг адолати ҳам маърифатпарварларнинг “маслаҳат”лари асосида ўрнатилади. Бунга Темур ва унинг салтанати мисол бўла олади. Ёшлигидан зеҳнияти кучли бўлганлиги билан бирга, “Темурбек ўз ҳаёт йўлини белгилашда, энг аввало, **уламолар ва авлиёлар фатвоси**ни олишни зарур билди” деб эътироф этилади. [4; 22-Б]

Бу борада Ислом Каримовнинг “Бу ҳақда гапирганда, Амир Темурнинг **давлатчилик** ва дипломатия, ҳарбий маҳорат, бунёдкорлик салоҳияти, **илму фан**, санъат ва меъморчиликка оид қарашлари, ҳаётнинг маъно-мазмуни, **инсонни улуғлайдиган эзгу ишлар** ҳақида билдирган фикрлари, **дин**у диёнат ва **адолат**ни жойига қўйиш, салтанат **ишларини кенгаш ва тадбир асосида амалга ошириш**, ҳар бир масалада узоқни кўзлаб, эл манфаатини ўйлаб иш тутиш билан боғлиқ ибратли фазилатларни алоҳида таъкидлаш ўринлидир”, [5; 7-Б] деб айтганлигини кўришимиз мумкин. Шунингдек, Амир Темурнинг ўзи ҳам бу борада “Ишларимнинг барини **кенгаш билан юргизиб**, уни битиришда **тўғри тадбир** қўллар эдим”, деб айтган. [5; 16-Б]

Эътибор қилинса, ушбу матнда “**уламолар ва авлиёлар фатвоси**” деб келган мулоҳаза мавжуд. Бундан мақсад, жамиятдаги олимлар (уламолар) ва дин пешволари (авлиёлар)нинг маслаҳати (фатвоси) муҳим деб эътироф этилмоқда. Жамиятнинг қудратли эканлиги унинг раҳбарининг саъй ҳаракатига боғлаш бирёқламадир. Сабаб, агар ушбу раҳбар (жамият раҳбари) жамоа (жамият) фикри билан иш тутмаса бу унинг “ўзим биларман” деб аталувчи “бир ёқлама қараш”лари билан изоҳланиб қолади холос. Жамиятнинг тараққиёти эса ушбу жамиятнинг “Комил зот”ларига боғлиқдир. Буни англаган Темур ўз даврида буюк “Темурийлар салтанати”га асос солганди. Унинг вафотидан кейин эса натижа маълум. Бу кенгаш ва машваратлар (фатволар) қилинмасдан, ҳамма (шаҳзодалар Л.Ахатов) ўз “хоҳиши”га кўра ҳаракатлангани ортидан бўлган.

Шунингдек, кейинги “**илму фан** ва **инсонни улуғлайдиган эзгу ишлар**” деб қаралган муҳим жараёнларга ҳам алоҳида диққат қаратганлиги бу унинг кенг фикрлайдиган ва жамият тараққиётига масъулиятли эканлигини оқилона йўл билан кўрсата билишидадир. Ва “**дин**у диёнат ва **адолат**ни жойига қўйиш, салтанат **ишларини кенгаш ва тадбир асосида амалга ошириш**” деб, “ҳар бир ишда бир ҳикмат” маъносида жамиятнинг ишларига (дину диёнат масаласи бўлса ҳам Л.Ахатов) мажлис – кенгаш асосида амалга ошириш лозимлигини таъкидлаб ўтган.

Амир Темурнинг бундай иш тутишига бугунги кун олимлари ҳам алоҳида диққат қаратиб, юксак мартабада эътироф этмоқдалар. Мисол учун М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг журналистика факультети декани, Россия таълим академиясининг академиги, фил.фан.док., проф. Елена Леонидовна Вартанова “Амир Темур нафақат ҳарбий саркарда ва фотиҳ, балки буюк стратег бўлганлиги, унинг ютуқлари ва қарашлари эса иқтисодиёт, бошқарув, математика, фанлари, фалсафа ва тарих билан уйғунлашиб кетган соҳа бўлмиш стратегия назариясининг пойдеворига салмоқли ҳисса қўшганлиги ҳақидаги машҳур фикрга қўшилмасликнинг иложи йўқ” деб таъкидлаган. [6; 20-Б]

Жамият тараққиёти ҳақида сўз борганда, биз таълим даргоҳларида (ОТМ) мутафаккирлар илмий мерослари асосида кўпроқ ва кенгроқ тўхталишишимиз ва асослаб беришимиз лозим. Жамиятнинг адолат мезонлари асосида тараққиётга эришишини бир қанча мутафаккирлар ўз асарларида баён этиганлар. Шайх Саъдийнинг (1182-1292) “**Бўстон**”, мавлоно Жомийнинг (1414-1492) “**Баҳористон**”, ва Ҳусайн Воиз Кошифийнинг (1440-1505) “**Футувватномаи султоний**” шулар жумласидандир.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг Самарқанд шаҳрида «Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти» мавзусида ўтказилган халқаро конференциянинг очилиш маросимида 2014 йил 15 майда сўзлаган нутқида ушбу Форум-конференциянинг мақсади Ўрта асрларда Шарқ заминида яшаб ижод қилган буюк алломалар ва мутафаккирларнинг илмий меросларини чуқур таҳлил қилиш ва англаш, уларнинг замонавий цивилизация тарихида тутган ўрни ва ролига муносиб баҳо беришдан иборатлигини айтиб ўтганди. [7; 3-Б]

Жамият тараққиёти илм ва олимнинг амалдаги маҳсулидир. Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 15 июнда Тошкентда бўлиб ўтган “Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби” [8; 2017. 16

июн] мавзусидаги анжуманда эътироф этиб ўтган таклифлари асосида 2017 йил 8 ноябрда Самарқандда ҳадис ва калом илмий мактаблари, шу йили (2017 йил) 10 ноябрда Қашқадарёда ақида илми мактаби ҳамда Бухорода Мир Араб мадрасаси ҳузурида тасаввуф илмий мактаби ва шу йили (2017 йил) 13 ноябрда Фарғонада Ислом ҳуқуқи мактаби очилган.

Шайх Саъдийнинг “Бўстон” асари жамият аъзоларини тенгликка, бирликка ва адолатга ундовчи асар бўлиб, “ўн қисмдан иборат бўлиб, унинг таркибий тузилиши қуйидагича: ҳамд; наът; китобнинг ёзилиш сабаби; Абу Бакр бин Саъд бин Зангий мадҳи; Саъд бин Абу Бакр бин Саъд мадҳи; биринчи боб — одиллигу тадбиру андиша зикрида; иккинчи боб — эҳсон зикрида; учинчи боб — ишқу ошиқлигу мастлик зикрида: тўртинчи боб — тавозеъ зикрида; бешинчи боб — ризо зикрида; олтинчи боб - қаноат зикрида; еттинчи боб тарбият олами зикрида; саккизинчи боб — шукру омонлик зикрида; тўққизинчи боб — тавба ва савоб йўли зикрида; ўнинчи боб — муножот ва китоб хотимаси зикрида”, деб баҳоланганган. [9; сайт]

Мавлоно Жомийнинг “Баҳористон” асари саккиз равза [10; жаннат боғи] (боб)дан иборатдир. Ва ҳар бир бобдаги мазмун – жамиятдаги адолат ва адолатсизлик борасидадир. Мавлоно Жомий фикрига кўра, инсонлар ҳалол ва пок умргузаронликда бўлишлари, бунинг учун эса улар бир касбга эга бўлишлари ҳамда ўз меҳнатлари ҳисобига кун кўриши кераклиги айтилади.

Адл билан тама – сув билан олов,
Иккисини бир жойда кўрганми биров? [11; 9-Б]

Бундан кўриниб турибтики, Жомий тавсиясига кўра: ҳукмдорлар доимо адл (адолат) билан яшашлари учун тама (бугунги кундаги истилоҳи - коррупция)дан ероқ бўлишлари лозим.

Мавлоно Жомий сарой аҳлидаги саводсизликни қаттиқ танқид остига олади. У “...сарой шоирларининг саводсизлиги, билимсизлиги, шеъриятни ўзларининг паст ва тубан мақсадлари, балойи нафсларига қурбон қилганликларини қаттиқ қоралайди” деб айтилган. [11; 9-Б] Биз эса, мисрада акс этган сўз(лар) фақатгина сарой шоирларининг саводсизлигига қаратилган деган хулосадан йироқмиз. Унутмаслик керакки, адл –адолат ва унинг мезонлари қандайдир “сарой шоир”ларининг ҳаёт тарзи билан ифодаланмайди! Адл-адолат бу бирон бир предмет ёки шоир(лар) ғазали эмас. Адл бу Аллоҳнинг сифатларидан бири бўлиб, адолат ўрнатучи Зот ҳам Унинг Ўзи саналади. Фақатгина унинг (адолатнинг) маълум “мезон”ларига хос ҳатту-ҳаракатларни ифодалаш инсонларга берилган. Унинг жамият буйлаб намоён бўлиши эса ҳукмдор-раҳбарлар томонидан амалга ошириладиган ислоҳотларга ўз ифодасини топади.

Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Футувватномаи султоний” жамиятдаги адолат ва ҳақиқат масаласига бағишланган бўлиб, ҳукмдорнинг (жамият раҳбари) масъулияти ҳақида сўз боради. “Футувватнинг моҳияти ва одоби баёни” деб номланган фаслида Ҳусайн Воиз Кошифий томонидан тасаввуфга оид қарашлар таҳлили берилган бўлиб, Хусрав Деҳлавийнинг ушбу мисраси ҳам таҳлил қилинган:

Ҳаст жавонмард дирам сад ҳазор,
Кор чу бо ҷон фитад, он ҷост кор. [12; 29-с]

Мазмуни[1]: ушбу мисра орқали жувонмардлик ва унинг сифатларининг таҳлили берилган. Бу борада Кошифий “Ҳақиқат он аст, ки ақсоми ҷавонмардӣ мунӯасир (ғунҷондашуда) дар ду сифат аст: яке нафъ ба дӯстон расонидан ва он ба саховат ҳосил шавад ва дуюм зарари душман аз эшон боздоштан ва он ба шуҷоат вуҷуд гардад...”, [12; 29-Б] деб ёзади. Маъноси: Ҳақиқат шу ки, деди Кошифий, жувонмардлик (жўмардлик) [13; 68-Б] сифатлари икки фазилатда (кўринишда) намоё бўлади: бири дўст учун манфаат ва саховатда бўлишлиги (олдинги фаслда мунофиқ борасида келган сўзларнингакси. Тадқиқот асносида ажиб ўхшашликка (Шамс Табризий ва Кошифий таърифларида) гувоҳ бўлдим. “Динни икки йўл бирла қўриқланг: жўмардлик ва яхши хулқ йўли билан”, деб айтади Шамс Табризий. [13; 68-Б]

Мисрадаги “**Ҳаст жавонмард дирам сад ҳазор**”, жувонмардлик қадрининг юз мингларча “қадри” ва сифатларини эътиробга олиб, Кошифий ушбу жўмардлик ва юксак ахлоқни бирлаштирган ҳолда (эътиқод-тасаввуф ва ахлоқ илми улароқ) футувват илмини иршод этганлигини кўрамиз. [13; 66-Б] Шунингдек, иккинчи мисрада “**Кор чу бо ҷон фитад, он ҷост кор**”, яъни ишнинг жон билан тушиши – берилиши ва ўша билан ишнинг (жон билан) ёнма-ён туриши айтилмоқда. Бу сифатлар эгаси эса жувонмардлик деб қаралмоқда.

Ҳикмат шуки, мутафаккирлар илмий мероси асосида ўрганилган тадрижий жараёнлар асосида жамият тараққиётининг муҳим аспектларини аниқлаб олиш лозим. Бугунги жамият тараққиёти бугунги кунда муҳим аҳамиятга молик ислоҳотлар асосида амалга оширилмоқда. Бу борада Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Аҳмаджон Мелибоев проф. Исмоил Саифназаровнинг “Янги Ўзбекистон: инсон қадри улуғланган юрт” номли китобига (Илм-маърифатга бағшида умр сарлавҳаси остида) сўз боши ўрнида “Ҳар бир мамлакат миллий юксалиш сари юз тутар экан, инсон орзу-умидларининг рўёбга чиқиши жамият ҳаётининг турли соҳаларида амалга оширилаётган ислоҳотлар, қабул

[1] Таржима(лар) муаллиф-Л.Ахатов томонидан берилган. Кейинги таржималарда муаллиф деб берилади.

қилинаётган қарор ва дастурларнинг реал самараси ҳамда одамларнинг бу жараёндаги иштироки, ижтимоий фаоллигига боғлиқ бўлади”, деб таъкидлайди. [14; 3-Б] Бу эса бугунги биз қурмоқчи бўлган “янги Ўзбекистоннинг янги жамияти”даги рационал ёндашувларга хизмат қилади.

REFERENCES

1. Educating for the Media and the Digital Age//International Conference. - Vienna: UNESCO, 1999, p.273- 274
2. Cynthia Vinney. „Very well mind“. What Is Media Literacy? 2022
3. Kastels M. Informatsionnaya epoxa: ekonomika, obshestvo i kultura. M.: GU VSHE, 2000.
4. Kirillova N. Mediakultura: ot moderna k postmodernu. M., 2005.
5. Ponimaniye media. M.; Jukovskiy, 2003.
6. Sadikovich, H. M. THEORETICAL FOUNDATIONS FOR THE FORMATION OF PROFESSIONAL COMPETENCE OF FUTURE MILITARY SPECIALISTS IN THE UNIVERSITY.
7. Umarova Z.A. Raqamli mediata’lim muhiti: mediaresurslar va ularning roli /
8. Markaziy osiyo ijtimoiy tadqiqotlar jurnali, №1, 2020. – 65-72 b.
9. Usov Y.N. Ekranniye iskusstva — noviy vid mishleniya // Iskusstvo i obrazovaniye. 2000. - №3. – S. 48-69.
10. Abduraxmonova N. Z. Q., Urazaliyeva M. Y. O ‘zbek tili elektron korpusida (http://uzbekcorpus. uz/) og‘zaki matnlar korpusini yaratishning nazariy va amaliy masalalari //Academic research in educational sciences. – 2022. – T. 3. – №. 3. – C. 644-650.
11. Sunnatov, T., R., (2024) Estetika va metaetikaning badiiy uslublar rivojlanish dinamikasi //Mug’allim. – 2026. – T. 3. – №. 3. – C. 99-104
12. Sunnatov, T., R., (2024). AN’ANAVIY VA ZAMONAVIY QARAMA-QARSHILIKDA BADIIY USLUBNING NAMOYON BO‘LISHI // Academic Journal of Educational Research (AJER) International scientific journal. – 2024. – T. 3. – №. 12. – C. 12-16.
13. Jurayev, H. P., (2024). MEDIA TA’LIMNI O‘RGANISHNING XORIJIY DAVLATLAR TAJRIBASI // Academic research in educational sciences. – 2024. – 5(11), 149-155.
14. Ruziyev, A., B., (2024). ME'MORCHILIKDA ROMANESK VA GOTIK USLUBLAR (QADIMGI RIM MISOLIDA) // Academic research in educational sciences. – 2024. – 5(11), 155-160.